

6-1-2018

ANALYSIS OF IMPACT OF TAX BENEFITS FOR REGULATING THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

N. Kuziyeva
Tax Academy

U. Khakimova
Tax Academy

F Sakhatov
Tax Academy

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Kuziyeva, N.; Khakimova, U.; and Sakhatov, F (2018) "ANALYSIS OF IMPACT OF TAX BENEFITS FOR REGULATING THE ECONOMY OF UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 3 , Article 25.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss3/25>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *International Finance and Accounting* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**Кузиева Н.Р. – Солиқ Академияси
кафедра мудири, и.ф.д.
Хакимов У.- Солиқ академияси
магистратура талабаси
Сахатов Ф.-Солиқ академияси
магистратура талабаси**

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ТАЪСИРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Мақолада Ўзбекистонда солиқ имтиёзларининг моҳиятини, уларни қўллаш таҳлили ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг такомиллаштириш йўлларини ўрганиб чиқдилар.

Калит сўзлар: иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни, имтиёзларни, солиқ ставкасини, қулай бизнес муҳитини, солиқ тўловчиларни, солиқ базасини, юридик ва жисмоний шахсларни, хорижий сармояларни ва самарадорликни ошириш учун солиқ имтиёзлари.

В статье были исследованы сущность налоговых льгот, анализ их применения и пути совершенствования в развитии предпринимательской деятельности в Узбекистане.

Ключевые слова: налог, налоговые стимулы, в целях поощрения экономических и социальных прав, предпочтения, налоговая ставка, благоприятной бизнес среды, налогоплательщик, налоговая база, юридические и физические лица, иностранные инвестиции, и эффективность.

This article were investigated tax benefits, an analysis of their use and the ways of improvement in businnes development in Uzbekistan.

Keywords: tax, tax incentives, to promote economic and social rights, preferences, tax rate, favorable business environment, the taxpayer, the tax base, legal entities and individuals, foreign investment, and efficiency.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда солиқ имтиёзларини белгилаш асосида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, чет эл инвестициялари кириб келишини таъминлаш, ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш каби устувор вазифалар амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг муҳим таъкидлашларидан бирига тўхталадиган бўлсак, “Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиб, солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим”[1]. Иқтисодий ислохотлар даврида солиқ тизимини такомиллаштириб боришда, хорижий мамлакатларда солиқ ставкаларининг қўлланиш механизидан фойдаланиш, солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишини назорат қилиш тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиқ имтиёзларини жорий қилиш ва улардан фойдаланишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

– солиқ тўловчиларнинг жамиятда тутган мавқеи, ижтимоий ҳолати турлича бўлганлиги учун уларнинг барчасига бир хил тартибда ва миқдорда солиқ солиш мақсадга мувофиқ бўлмайди;

– жамиятдаги баъзи муҳим соҳаларни ёки солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари белгиланади. Яъни, давлат солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни самарали ва қулай бошқариш ёки тартиблаш имкониятига эга бўлади, бундан кўринадики, солиқ имтиёзлари давлатни ўз функция ва вазифаларини амалга оширишдаги муҳим дастак сифатида фойдаланади;

– имтиёз бериш орқали бюджетга жалб этилиши лозим бўлган молиявий ресурслар бюджетга жалб этилмасдан солиқ тўловчиларнинг ўзларига мақсадли равишда қолдирилади. Бунинг афзаллик томони шундаки, солиқ тўловларини бюджетга олиш ва уни яна қайта тақсимлаш ишларини осонлаштиради.

Солиқ имтиёзлари қуйидаги турларга ажратилади (1-расм):

– солиқдан батамом озод этиш; (бунда алоҳида юридик ва жисмоний шахслар, уларнинг даромадлари, мол-мулклари, ер майдонлари ва бошқа солиққа тортиладиган объектлари солиқ тўлашдан бутунлай озод қилинади);

– солиқдан вақтинча ёки қисман озод этиш; (бунда алоҳида фаолият турларини амалга ошириб, даромад оладиган шахслар, уларнинг даромадлари ёки бошқа солиққа тортиладиган объектлари вақтинча ёки қисман солиқ тўлашдан озод этилади);

– солиқ базасини камайтириш тарзида берилган; (бунда айрим юридик ва жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган даромади маълум бир мақсадларга, масалан, янги ишлаб чиқариш ускуна харида қилишга ёки таълим олиш учун контракт тўловини қоплашга йўналтирилган маблағлар қисмида камайтирилади)



1-расм Солиқ имтиёзларининг турлари [2].

Сўнгги йилларда республикада ишбилармонлик ва инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш, тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишга муҳим аҳамият берилаётганлиги ва бу борада амалга оширилаётган тизимли ишларнинг асоси сифатида ҳам айнан солиқ имтиёзларини айтишимиз мумкин.

Бу борада самарали ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз жаҳоннинг кўплаб кўрсаткичларида юқори ўринларга кўтарилиб бормоқда. Ўтган йилнинг октябр ойида Жаҳон банки «Бизнес юритиш» рейтингини эълон қилди. Ана шу рейтингда Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади [3].

Солиқ соҳасидаги мамлакатлар рейтингини аниқлашда солиқ тўловлари сони, солиқларни тўлашга кетадиган вақт сарфи ва умумий солиқ ставкаси кўрсаткичлари инобатга олинади. Агар, 2014 йилда солиқ тўловлари сони 41 тани, вақт сарфи 205 соат ва умумий солиқ ставкаси 99,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йил якунларига асосан солиқ тўловлари сони 46 тани, вақт сарфи 192,5 соат ва умумий солиқ ставкаси 38,1 фоизни ташкил этганини кўришимиз мумкин.

1-жадвал.

Ўзбекистонда солиққа тортиш рейтингига ҳисобга олинadиган индикаторларнинг ўзгариш динамикаси*

Индикаторлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	Ўзгариш
Солиққа тортишдаги рейтинг	168	118	115	138	-30
Солиқ тўловлари сони	41	33	33	46	+5
Вақт сарфи (соат)	205	192,5	192,5	192,5	-12,5
Умумий солиқ ставкаси %	99,3	42,2	41,1	38,1	-61,2

*Манба:<http://www.worldbank.org/>; <http://www.doingbusiness.org/EconomyRankings> - Жаҳон банкининг ҳисоботлари маълумотлари.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015-йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017-йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказди [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Мазкур Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналиши 3.1-банди таркибида солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган [4].

Ўзбекистонда бугунги кунда солиқ тўловчиларга барча солиқ турлари бўйича кенг имтиёзлар берилмоқда. Натижада солиқ имтиёзлари ва ундаги солиқлар турлари бўйича салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Хусусан, 2012 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар жами имтиёзлар суммасининг 77,8 фоизини ташкил этган бўлса 2016 йилда бу кўрсаткич 53,4 фоизини ташкил этган яъни кескин равишда камайиш кузатилган бунинг сабабини бошқа солиқ турларидан имтиёзлар улушининг ортиб кетиши билан изоҳлаш мумкин.

(2-жадвал) Фойда солиғи бўйича бу кўрсаткич 2012 йилда 5,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 3,9 фоизни ташкил этган ёки 1,2 фоизли пунктга камайган. Ягона солиқ тўлови бўйича 2012 йилда 3,6 фоизни, 2016 йилда 6,9 фоизни ташкил этган ёки 3,3 фоизли пунктга ўсган. Шунингдек, бошқа турдаги солиқлар ва мақсадли жамғармалар бўйича 22,3 фоизли пунктга ўсган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзлари ва ундаги солиқлар турлари бўйича улуши* (фоизда)

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
Умумий солиқ имтиёзлари	100	100	100	100	100
Кўшилган қиймат солиғи	77,8	84	81	85,9	53,4
Фойда солиғи	5,1	5	6,8	0,7	3,9
Ягона солиқ тўлови	3,6	4	3,8	4,4	6,9
Бошқа солиқлар ва мақсадли жамғармалар	13,5	7	8,4	9	35,8

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

Натижада уларнинг ихтиёрида қолдирилган маблағлар ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги техника ва технологияларини ўрнатиш, ривожлантириш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган юридик шахсларга нисбатан солиқ имтиёзларидан фойдаланаётган юридик шахслар улуши (2-расм)ни таҳлил қиладиган бўлсақ, 2011 йилда бу кўрсаткич 13,9 фоизни ташкил қилган бўлса 2014 йилда 22,3 фоизни ташкил қилган. 2015 йилда 17,6 фоизни ташкил қилиб 2014 йилга нисбатан 4,7 пунктга камайиш кузатилган бу имтиёздан самарали фойдаланмаётган ёки маълум бир мақсадга эришилиши кутилиб самарасини берган имтиёзларни бекор қилиниши билан изоҳлаш мумкин.



2-расм Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган юридик шахсларга нисбатан солиқ имтиёзларидан фойдаланаётган юридик шахслар улуши динамикаси (фоизда) [5]

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият юритишлари учун етарли шароит яратиш билан бирга улар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан имтиёз бериш орқали улар фаолиятларини рағбатлантириш ҳисобланади. Аммо, мамлакат ривожини ва корхоналар фаолиятининг ҳам яхши давом этиши учун берилаётган имтиёз самарали бўлиши ҳамда корхона ушбу имтиёзга доимий таяниб қолмаслиги лозим.

“Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи ва қонун ҳужжатларида тасдиқланадиган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар учун айрим солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи ва қонун ҳужжатларида тасдиқланадиган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилган инвестиция ҳажмидан келиб чиққан ҳолда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини, ягона солиқ тўловини, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан муайян муддатга озод қилинадилар”[6].

Бундан ташқари, Ўзбекистонда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сонли Фармонига мувофиқ тасдиқланган рўйхат бўйича иқтисодиёт тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар:

тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача — 3 йил муддатга;

3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача — 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга.

Юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.

Имтиёзлар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари, республиканинг барча шаҳарлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган корхоналарга қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Фақат шундай имтиёз ва преференцияларга таяниб қолган корхоналар очик иқтисодиёт шароитида хорижий компаниялар билан нафақат ташқи, балки ички бозорда ҳам рақобатлаша олмайди” [7]. Бу худди ота-она қарамоғида яшаб мустақил ҳаётга қадам қўйганда қийналиб қолиши мумкин бўлган фарзандга ўхшайди. Шу боис, корхоналарга берилаётган солиқ имтиёзларидан оқилона фойдаланмаслик бўшаётган маблағлардан тўғри фойдаланишни билмаслик ва корхоналар томонидан олинаётган солиқ имтиёзлари салбий оқибатларга, яъни:

– солиқ имтиёзлари натижасида амалда ҳеч қачон улар берилаётган чоғида кўзда тутилган мақсадларга тўлиқ эришмаслиги;

– солиқ имтиёзларига эга бўлган корхоналар ривожланишга бўлган интилишини йўқотадилар ва ўзларининг имтиёзли мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар, имтиёзлар бекор қилинганда эса улар фаолият юритишдан тўхтайдилар;

– солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштириб коррусияга имкон яратиши мумкин;

– бир вақтлар берилган солиқ имтиёзларини амалда бекор қилиш жуда кўп қийинчиликларни келтириб чиқариши каби кўринишларда намоён бўлиши мумкин.

Шундай экан солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш йўллари излаб топиш, уларни керакли ўринларда, зарур ҳолатларда қўллаш ҳозирги давр солиқ маъмурчилигининг олдида турган вазифалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари солиқлар ва солиққа тортиш тўғрисидаги назарий таълимотлардан бизга маълумки: “Солиқ юкининг ошиб кетиши бюджет даромадларининг кўпайишига олиб келмайди. Чунки, солиқлардан шаклланаётган даромадлар ҳажмининг кўпайиши ҳар доим солиққа тортиладиган базанинг ўсиши билан пропорционал бўлади, аммо ҳар доим ҳам солиқ ставкасининг ўсишига пропорционал бўлавермайди” [8].

Солиқ ставкасининг ошиши маълум бир чегаравий нуқтага етгач, бюджетга тушадиган солиқ тушумлари камайишига ҳам олиб келиши мумкин экан.

Демак, солиқ ставкаларининг ўсиши фақат маълум бир чегарага етгунга қадар давлат бюджети даромадларининг кўпайишига олиб келиши мумкин. Бу чегара миллий ишлаб чиқаришнинг солиққа тортиладиган қисмини қисқариши билан бошланади. Агар ана шу чегарадан ўтилса, солиқ ставкасининг ўсиши бюджет даромадларининг ўсишига эмас, балки қисқаришига олиб келади. Солиқ юки кўтарилгани сари хўжалик субъектлари ўз даромадларини ҳимоя қилиш йўлига ўтишади ва натижада хуфёна иқтисодиётнинг ривожланишига, солиқ қонунчилигини бузилишига мойиллик кўпаяди. Хўжалик субъектлари томонидан эришилган имтиёзлар, шубҳасизки бюджет даромадлари учун

тўғридан-тўғри йўқотишдир. Баъзи корхоналар иккиламчи бухгалтерия ҳисобини юритиб, солиқдан қочишга уринишлари ҳам мана шундан деб ўйлаш мумкин. Бизнингча, бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида солиқ муносабатларида унинг иштирок этувчи субъектларининг манфаатлари ҳисобга олиниши шарт, яъни солиқларнинг рағбатлантирувчи омилларидан устувор фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Солиқ имтиёзлари ва преференцияларни такомиллаштириш масалалари юзасидан мавжуд солиқ имтиёзларининг самарасизларини бекор қилиш ўрнига, янгиқўпроқ самара берадиган солиқ имтиёзларини жорий этиш, жорий этилган имтиёзлар эвазига хўжалик субъектлари ихтиёрларида қолаётган маблағларни қайта ишлаб чиқариш жараёнларига сафарбар этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида янги техника-технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш, хўжалик субъектлари ихтиёрида имтиёз ҳисобидан қолдирилган пул маблағларидан самарали фойдаланиш жараёнини назорат қилишни янада кучайтириш, солиқ имтиёзларига доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мувофиқлигини таъминлаш кабилар бугунги кунда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан ҳисобланади.

Изланишлар ва таҳлиллар натижасида солиқ имтиёзлари ва преференцияларни такомиллаштириш масалалари бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш тартибини масофадан назорат қилиш мақсадида солиқ тўловчилар ҳар бир фойдаланган солиқ имтиёзи тўғрисида солиқ турлари кесимида, уларни нима мақсадда сарфлаётганликлари тўғрисида алоҳида ҳисобот шакллантириб, ҳар чоракда ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилишини мажбурий қилиб қўйиш. Амалда йил якунлари бўйича молиявий натижаларни топшириш вақтида маълумотномани қўшиб тақдим этишлари белгиланган. Чунки ҳеч кимга сир эмаски, қанчалик назорат кучли бўлса, ишга бўлган муносабат ҳам шунчалик масъулиятли бўлади. Натижада текширишлардаги қоида бузиш ҳолларидан бири бўлмиш имтиёзлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолларига оз бўлсада чек қўйилади;

- янги ташкил этилган корхоналарга нисбатан улар давлат рўйхатидан ўтган кундан эътиборан муайян муддатга солиқ имтиёзларини қўллаш. Шунингдек жорий этилган солиқ имтиёзлари дастлабки 2 йилликни ўз ичига қамраб олиши ва кейинги йилларда узайтирилмасилиги лозим, лекин маълум бир муддат фаолият юритиш шarti билан масалан 5 йилдан кам бўлмаган муддатда фаолият юритишини талаб қилган ҳолда қўлланилиши акс ҳолда фойдаланилган имтиёз суммаси тўлиқлигича бюджетга ундириб олиниши назарда тутилмоғи лозим. Ушбу тартибни асосан кичик бизнес субъектларига нисбатан қўллаш корхоналарнинг барқарор фаолият юритган ҳолда бозор иқтисодиёти қонунларига мослашиши ва оёққа туриб олиши, сўнг бошқа турдаги корхоналар билан бемалол рақобатлаша олиши учун қулай замин яратади;

- электрон тижорат тизимини янада ривожлантириш мақсадида, интернет бозорлари орқали товарларни сотганда сотув ҳажмидан амалдаги ставкага

нисбатан 10 фоиз пасайтирилган ставка бўйича фойда солиғи ёки ягона солиқ тўловини тўлаш тизимини жорий этиш;

- солиқлар ва божхона имтиёзлари берилиши натижасида бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланишга доир меъёр ишлаб чиқиш. Бу ўринда энг кўп қисмини янги технологияларни жорий қилишга ажратиш ва камида 15 фоизини илмий-техника тадқиқотлари ва конструкторлик ишланмаларини ривожлантиришга йўналтиришни жорий этиш лозим. Негаки ҳозирги кунда хориж амалиётида энг катта эътибор янги техника-технологияларни ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этган ҳолда чиқиндисиз технологиялар асосида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, илмий техника-тараққиётга катта эътибор берилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А “Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”,-Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2005 йил 89-Б

2. А. Ваҳобов. А. Жўраев. “Солиқлар ва солиққа тортиш” дарслик Т.: -2009 й. 68 б.

3. Каримов И.А.Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. 8-бет..

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар йилги ахборотнома маълумотлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т. : «Адолат», 2015 й 428 бет

7. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. – Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2014 йил, 18 январ, 13-сон.

8. Абдурахмонов О. ва бошқ. Солиқ ислоҳотлари: изчиллик ва тадрижийлик, «Академия» ва «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти». – Т.: 2005. – 9-б.